XALQ DEPUTATLARI BUXORO VILOYATI KENGASHINING QARORI

2022 - yil 21 - oktabr VI-66-126-2-0-K/22 Buxoro viloyati hokimligi

Когон тумани “Тараққиёт” ва “Ўзбекистон” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида жойлашган номсиз аҳоли пунктларига ном бериш тўғрисида

“Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига асосан ҳамда Когон тумани “Тараққиёт” ва “Ўзбекистон” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида жойлашган номсиз аҳоли пунктларига ном бериш тўғрисидаги Когон туман ҳокимлигининг 2022 йил 4 октябрдаги 1/1027-сонли таклифини кўриб чиқиб, халқ депутатлари вилоят Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

1. Когон тумани ҳокимлигининг “Тараққиёт” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги номсиз аҳоли пунктига “Шўробод” ва “Ўзбекистон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги номсиз аҳоли пунктига “Кончилар” номини бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Когон тумани ҳокимлиги (М.Эсанов), Кадастрлар палатаси вилоят бошқармаси (А.Тойиров), вилоят статистика бошқармаси (У.Жуманазаров)га тегишли давлат рўйхатидан ўтказиш идоралари билан биргаликда мазкур қарордан келиб чиқиб ҳисоботларга белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритиш топширилсин.

3. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати (О.Жўраев)га мазкур қарорни “Бухоронома” ва “Бухарский вестник” газеталарида ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинишини таъминлаш топширилсин.

4. Қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириши белгилансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича доимий комиссияси (Н.Баракаев) зиммасига юклансин.

Кенгаш раиси **Б. Зарипов**